
Маънавий зарар тушунчаси ва ундириш асослари

Ўзбекистон Юридик энциклопедиясида маънавий зарарга шундай таъриф берилган: фуқаролик ҳуқуқида жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

Маънавий зарар ундириш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг янги тури бўлсада, бир қатор қонунларда ўз аксини топган. Ушбу қонунлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28-апрелдаги №7-сонли Қарорига кўра, ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)нинг объекти бўлиб фуқарога туғилган вақтидан буён ва қонунга мувофиқ тегишли бўлган номоддий манфаатлари, (ҳаёти, соғлиғи, шахснинг қадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътибори, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирини), шахсий номулкий ҳуқуқлари (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номулкий ҳуқуқларнинг интеллектуал фаолият натижаларини қонунларга кўра ҳуқуқий муҳофаза қилиш) ва мулк ҳуқуқлари (уй-жой дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи ва бошқалар)ни бузилиши бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 11-моддасида маънавий зиённи қоплаш фуқаролик ҳуқуқлари ҳимоя қилиш усулларида бири сифатида қайд этилган, шунингдек кодексда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сирини, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқларини бузганлик, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматларга тажовуз қилганлик ҳолатлари учун ҳам маънавий зарар ундириш мумкинлиги назарда тутилган.

Фуқаролик кодексига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади.

Маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қопланади, агар: зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса; зарар фуқарога уни қонунга ҳолоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга ҳолоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга ҳолоф тарзда қўлланиш, қонунга ҳолоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга ҳолоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса; зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Яқинда суд мажлисида муҳокама қилинган фуқаролик ишидан кўринишича, йигит ва қиз ўзаро танишиб, бирга гаплашиб юрган, муносабатлари анча яқин бўлган. Кейинчалик қиз бошқа йигитга турмуш чиқаётганлигини билдириб, ўзини тинч қўйишини сўраган вақтида йигит ўзаро бирга юрган вақтида шахсий телефонида туширилган видеотасвирларни интернетда тарқатиб юборган. Натижада йигит маъмурий жавобгарликка тортилган, жабрланувчи эса ўзига етказилган маънавий зарар ундиришни сўраб судга мурожаат қилган.

Ҳозирги кунда суд амалиётида фуқароларнинг соғлиғига ва мол-мулкига автотасвир натижасида етказилган зарар бўйича, жиноят оқибатида боқувчисининг ёки яқин кишининг ўлими содир бўлган ҳолларда, мол-мулкка етказилган бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида, тухмат, ҳақорат қилиш оқибатида етказилган маънавий

зарарларни ундириш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охириги вақтларда кенг тарқалган “Facebook”, “Telegram” ва бошқа интернет саҳифаларида ҳам шахсларни хақорат, тухмат қилиш, турли ёлғон хабарлар тарқатиш, оилавий ва хизмат сирларини ошкор қилиш каби хатти-ҳаракатлар ҳам тегишли тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши ва оқибатда маънавий зарар ундиришга асос бўлиши мумкин.

Чунки инсон қадр-қиммати, ишчанлик обрўи, шахсий ва оилавий дахлсизлиги қонунлар ҳимоясидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Фуқаролик ишлари бўйича

Ўзбекистон туманлараро судининг судьяси:

Н.Эгамов

2022-03-18 08:26:05